ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Самаридин Баракаевич Қораев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти
s_qoraev@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтириш сифатини яхшилаш, ўқув амалиётини ўтказиш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар, ўқув амалиёти ўтказувчи ўқитувчилар фаолияти ва уларга қўйилган талаблар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: стратегия, лойиҳалаш, моделлаш,машғулот, қобилият, вазият, амалий, билим, малака, баҳолаш, фаоллик, жиҳоз, восита, қурилма, детал.

CHARACTERISTICS OF ORGANIZATION OF LEARNING PRACTICES IN PROFESSIONAL EDUCATION

Samaridin Barakaevich Koraev
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
s_qoraev@mail.ru

ABSTRACT

The article discusses the work to be done to improve the quality of vocational guidance of students in vocational education institutions, the work to be done on internships, the activities of teachers conducting internships and the requirements for them.

Keywords: strategy, design, modeling, training, ability, situation, practice, knowledge, skills, assessment, activity, equipment, tool, device, detail.

КИРИШ

Республикамизда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни такомиллаштирилмоқда, халқаро андозалардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, «Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши»[2] каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон [2] ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон фармонлари[1]да ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқувчилар назарий тайёргарлигини амалий фаолият билан боғлашни таъминовчи ўқув амалиёти таълим-тарбия жараёнининг асосий қисми сифатида ўқувчиларни келажак касбига муваффақиятли тайёрлаш воситаларидан биридир. У таълим-тарбия тамойиллари ва қонуниятларини тушуниб етиш, касбий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий иш тажрибаларини тўлиқ англаб етиш имкониятини беради. Ўқув амалиёти раҳбарлари олдида уни замонавий ташкил этиш, ўқувчиларнинг касбий маҳорат сирларини ўрганишларида унинг аҳамиятини ошириш, ташкилотчи-лик ва тарбиявий ишлар асосларини ўргатиш каби вазифалар туради.

Профессионал таълим муассасалари учун аҳамиятли инновацион жараёнларнинг барчаси замонавий педагогик ва ахборот технологияларни ўзлаштирган, ижодкор, педагогик фаолиятда шахсий услубга эга бўлган касбий маҳоратли кадрларни тайёрлашни кўзда тутади[6].

Ҳозирги даврда ўқув амалиётини ривожлантиришнинг икки йўналиши мавжуд: анъанавий ва инновацион. Анъанавийда фанлар керагидан ортиқ, жуда илмий ва ўқувчилар учун зерикарли ахборот билан тўлдирилган. Ўқувчиларни ўқитиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда ўқув-педагогик масалаларни намунавий усулларда ечишга олиб келади. Бундай амалиётнинг мақсади ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг келажакда ривожлантирилишидан иборат. Ўқувчи топшириқни бажариб, педагог-мухандисдан ўрнак, яхши шакллардан андоза олади. Бундай ёндашувда ўқув амалиётининг ўзи педагог-мухандиснинг ҳам профессионал фаолиятини шакллантиради. Профессионал таълимда ўқувчилар ўқув амалиётига гомоцентрик ёндашувни амалга ошириш педагог-мухандисларнинг методик тайёргарлиги мазмунини қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. Янги таълим стандартини жорий қилиш бугунги кунда улар олдига қўйилган ўқув амалиётининг замонавий шартлари, талаблари, ташкил қилиш тамойиллари ва ғояларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди[3].

Инновацион таълим стратегияси ўқув амалиёти жараёнини шундай тизимли ташкил этилишини назарда тутадики, бунда педагог-мухандис етакчи ўринда туради, аммо бунда унинг ўрни ўқувчига ва ўзига бўлган муносабатга кўра ўзгаради. У фақатгина билимларни тарқатувчи ва етказиб берувчи вазифасида бўлмай, балки ўқувчининг ривожланиши ва шахсий шаклланишига хизмат қилади[5].

Инновацион таълимнинг ўзига хослиги эгалланадиган билим олиш ва уни эгаллашни ташкил қилиш усуллари ўзгаришида. Янги муаммоларни ҳал этиш (интеграция, индивидуаллаштириш, ахборотлаштириш каби) шароитида лойиҳавий-ижодкорлик ўқув амалиёти тизимига ўтиш кузатилади. Ўқув амалиётини лойиҳалаштириш-режалаштириш, тахмин қилиш, ижодкорлик, асослаш ва тушунтириб бериш, бажариш ва расмийлаш-тириш кўникмаларидан фойдаланишнинг умумий шакли ҳисобланади[4].

Хозирги кунда ўқув амалиётининг интеграллашган лойиҳавий-ижодкорлик модели ишланмаси киритилган. Лойиҳалашда педагог-мухандислар иштирок этиши назарда тутилади. Янги тизимда билим, кўникма ва малака таълим мазмуни эмас, балки ўқувчи шахсиятини ривожлантириш омили сифатида кўриб чиқилади. Бу қаторда маълум бир билимларни эгаллаш барча нарсани билишнинг ижодий бошланиши сифатида талқин этилади. Бу мақсад лойиҳавий-ижодий ёндашувга яқинлашишга олиб келади. Бу ҳолда биринчи ўринга лойиҳалаш жараёнлари, моделлаштириш, конструкциялаш кабилар ўтади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқув амалиётининг универсал компонентлари матнни ёдлаш, ўқув топшириқларини бажариш эмас, лойиҳалашни амалга ошириш жараёнини англаш ҳисобланади. Ўқув материалини анъанавий ўзлаштириш иккинчи ўринга ўтади. Анъанавий амалиётда шакл қоидага кўра дидактик бўлади: амалиёт махсус ишлаб чиқилган ва тизимлаштирилган ўқув материаллари ва амалий топшириқлар асосида амалга оширилади[9]. Ўқув амалиётининг янги моделлари лойиҳалаштирилган, моделлаштирилган, конструкцияланган объектларда амалга оширилади. Бу билан ўқув материали тузилмаси ўзгаради. Ўқув материали билан боғлиқ лойиҳавий-ижодкорлик модели моддий дунё иерархияси принципларига мос ҳолда мантиқ ва соғлом фикр, яъни тушунчалар тизимининг айланиши лойиҳавий фаолият динамикасида содир бўлади. Бу ҳолда таълим тизими бутунлай бошқа тузилмага эга бўлади: лойиҳалаш, моделлаш, конструкциялаш ва тадқиқ қилиш.

Профессионал таълим муассасаларида ўқув амалиёти жараёни қуйидагича амалга оширилади:

Педагог-мухандис ўқувчилар билан лойиҳа вазифасини муҳокама қилади: ўқувчи томонидан ҳал қилиниши керак бўлган мақсад, вазифа ва муаммо қўйилади. Лойиҳани олгач, ўқувчи лойиҳалаш босқичини бажаришга киришади: савол мақсадини ўрганиш, назарий мазмун ва эмпирик далилларни таҳлил қилиш ҳамда гипотеза ишлаб чиқиш. Кейин моделлаштириш босқичи келади: ўқув амалиёти жараёни модели қурилади, зарур ҳолларда ўқувчиларнинг тадқиқ қилиш ва шакллантиришга ишора қилувчи рухий ва шахсий сифатлари схематик моделлаштирилади, ўқувчилар ўқув фаолияти тузилмаси, унинг хусусиятлари ёшга боғлиқ ҳолда аниқлаштирилади. Кейин конструкциялаш босқичи келади: мақсадларнинг номланишини, ўқув воситалар тузилмасини ишлаб чиқиш ва саралаш (ўқув амалиёти материали мазмуни, таълим шакл ва методлари кабилар), лойиҳаланаётган педагогик тизим ёки технологияни асослаш. Лойиҳани эмпирик тадқиқотни бажариш босқичи билан якунланади: тадқиқотни ишлаб чиқиш ва бошқа тадқиқот шакллари эмпирик маълумотларни олиш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш, амалиётга жорий этиш каби тадбирлар амалга оширилади[7].

Ўқув амалиётига замонавий ёндашув инсонпарварлик ва инсонпарварлаштириш ғояларини амалга оширишга асосланган, ўқув жараёни мақсади ва мазмуни ўқувчи шахсини ривожланиши, етуклиги ва актуаллиги ҳисоблана-ди. Бундай ёндашув режалаштирилган билим, кўникма ва малакалар орқали ўқитиш орқали эмас, балки ўқув амалиёти фаолияти жараёнида, ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожланиши ва етуклиги асос ҳисобланиши билан амалга оширилади.

Ўқув амалиётини илмий-амалий муаммони ечиш жараёни сифатида, ўқувчига ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини англаш, фикр юритиш, шахсий-фаолиятли ишлашни амалга оширишга имкон берган ҳолда ташкил этиш керак. Ўқув амалиётининг анъанавийдан инновацион моделга ўтказилиши кўпинча инсонпарварлик ёндашуви билан ечиш мумкин бўлган қарама-қаршиликлар ва муаммолар орқали амалга оширилади. Ушбу муаммолар қуйидагилар:

- ўқув амалиёти даврида ўқувчилар назарий тайёргарлиги ва уларнинг фаолияти орасидаги ўзаро алоқанинг сустлиги;
- тарбиявий жараённи ташкил этилишида замонавий ёндашувга ўқувчининг тасаввурлари сақланиб қолган ўқув амалиётидаги реал ҳолат ўртасидаги қарама-қаршиликлар;
- ўқув амалиёти жараёнида ўқувчилар ўқув фаолияти ва ўқув-тадқиқот ҳамда илмий-тадқиқот ишлари ўртасидаги етарли бўлмаган алоқа;

- ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг индивидуаллигини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқув амалиёти потенциалидан фойдаланмаслик;
- методист, педагог, психолог, педагог-мухандис ўқув амалиёти ташкилотчилари ўртасидаги номувофиқлик;
- ўқувчилар томонидан бажарилган иш ҳажми ва мазмунига ягона талаб, ўқув амалиёти натижаларини мукаммал баҳолаш мезонларининг йўқлиги[8].

ХУЛОСА

Ўқув амалиётини ташкил этишда замонавий инсонпарварлик ёндашуви қуйидаги муносабатларга асосланади:

1. Ўқув амалиёти раҳбарларининг ягона асосий мақсади бўлажак мутахассисларни шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришдан иборат бўлади. Бу масалани ҳал этишда ўқув амалиёти мазмуни ва ташкил этилишининг индивидуаллаштирилиши (ўқувчилар томонидан уларнинг касбий йўналганлик, умумтаълим ва касбий тайёргарлик, шахсий хусусият-лар, иш объекти - тадқиқ қилинувчи лойиҳани эркин танлашни эътиборга олган ҳолда таклиф этилган лойиҳа топшириқларининг вариативлиги) назарда тутилади[10].
2. Ўқув амалиётини ташкил этишда ўқувчи мустақиллиги ва фаоллигини кучайтириш назарда тутилади. Ўқув амалиёти таълим бериш ва ривожлантириш характерини олади. Уни ташкил қилиш ва ўтказишда педагог-мухандислар биринчидан, таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда ўқувчининг амалий кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун шароит яратиш каби амалий вазифаларни ҳал этади. Иккинчидан, педагогик, психологик ва махсус (касбий, методик) билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда янгиларини эгаллаш масалалари ҳал этилади. Учинчидан, ўқув амалиётининг вазифаси ўқувчининг шахсий қобилиятла-рини ривожлантириш, унинг педагогик компетентлигини шакллантириш ҳисобланади.
3. Ўқув амалиёти тарбияловчи характерга эга. Профессионал таълимнинг тарбиявий таъсирига, унинг педагогик жамоаси таъсири ҳам қўшилади. Жамоа аъзоси сифатида ўқувчи ҳам педагог-мухандиснинг педагогик фаолиятини барча кўринишлари ва функциясини бажаради. Аммо, бу даврда у ўзининг инновацион изланишларини олиб борувчи ўқувчи ҳисобланади.
4. Ўқувчи ўқув амалиёти даврида доимий ва олдиндан тадқиқот лойиҳаларини бажариш учун тайёр бўлишлари керак. Бу тайёргарлик барча босқичларда ўзлаштирилади, ўқиш мобайнида ўқувчилар билан амалий ишлаш ва амалиёт шароитида ўзининг ўқув фаолияти инновацион услубига ҳам тайёр бўлиши керак.

REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябраги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 4-сон, 69 модда.
3. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П., Ашурова С.Ю. ва бошқ. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Т.: Фан,2004.-119б.
4. Karaev, S. B. (2020). Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(01), 1734-1742.
5. Мухамедов, Г. И., & Қораев, С. Б. (2019). ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ПЕДАГОГ-МУХАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. *МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ*, *2*, 71-74.
6. Қораев, С. Б. (2016). Фанларни ўқитишда табақалаштирилган таълим технологиясини жорий этиш масалалари. *Таълим технологиялари*, *2*, 45-50.
7. Қораев, С. Б. (2018). Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг долзарблиги. *Таълим, фан ва инновация* , *4*, 28-31.
8. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари. *Узлуксиз таълим*, *1*, 88-92.
9. Абдусаматова, Ш. С., & Исматов, И. И. (2020). Межличностные отношения к проблеме влияния человеческого темперамента. *Высшая школа нучно-практический журнал*, *1*, 36-39.
10. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Ҳарбий хизмтчиларни амалиётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. *Ҳарбий фаолиятда психологик ва социологик хизматнинг тутган ўрни ҳамда роли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси*, 25-28.
11. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Талаба ёшларнинг интеллектуал ижодий салохиятини ривожлантириш. *“Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами*, *1*, 203-205.